91295

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 декабрь, пайшанба. №157. (21.920). Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ





СУРАТДА: ишонч ёрлиқларини топшириш пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Иоланда Брунетти Гоэтц 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Италия ҳукумати ва халқи Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни диққат-эътибор ҳамда хайрихоҳлик билан кузатиб келмоқда, — деди элчи Иоланда Брунетти Гоэтц ишонч ёрлиғини топширар экан. — Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт сари тўғри йўлдан бораётгани ва оқилона ташқи сиёсатини италияликлар жуда юксак баҳоламоқда.

Элчи иқтисодий ва демократик ўзгаришларни бошдан кечираётган ҳар икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожига ҳисса қўшиш учун куч ва ғайратини аямаслигини таъкидлади.

— Ўзбекистон халқи мамлакат иқтисодиётини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда, — деди Президент Ислом Каримов. — Ушбу долзарб даврда саноати юқори даражада равнақ топган Италия билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатларимиз манфаатларига мос келади. Бугун Италиянинг бир қанча фирма ва компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётганига қарамай, ҳамкорлик мавжуд имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг масъулиятли вазифани адо этишида муваффақият тилаб, мавжуд имкониятларни тўлароқ ишга солишда фаол саъй-ҳаракат кўрсатишига умид билдирди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Соекадари Хонговонгсо ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Элчи Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда юртимизда фаолият бошлаши ўзига улкан масъулият юклашини таъкидлади. У мамлакатларимизнинг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигида янги уфқлар очилаётганини қайд этиб, ушбу алоқаларни янада равнақ топтириш учун барча имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

— Ўзбекистон билан Индонезия бир-биридан узоқда жойлашган бўлса-да, халқларимизнинг, урф-одатларимизнинг муштарак жиҳатлари кўп, — деди Президент Ислом Каримов. — Шу боис икки давлат ўртасидаги мавжуд ҳамкорликни янада равнақ топтириш халқларимиз манфаати учун хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов элчининг икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН КИНОСАНЪАТИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни жаҳон кино санъатининг 100 йиллиги, ўзбек миллий киносининг 85 йиллиги ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясининг 70 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Бир асрлик тарихга эга бўлган жаҳон кинематографияси тараққиётида ўзбек кино санъатининг ҳам ўзига хос салмоқли ҳиссаси бор. Мамлакатимиз киноустолари яратган қатор бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар дунёдаги турли фестиваль ва танловларда нуфузли совринларга сазовор бўлган. Ўзбекистон пойтахти Тошкент эса жаҳондаги энг йирик халқаро кинофестиваль ва анжуманлар ўтадиган марказлардан бири ҳисобланади.

Истиқлол туфайли киносанъатимиз собиқ ҳукмрон мафкура тазйиқидан халос бўлди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимизни ва асрий маънавиятимизни, бир сўз билан айтганда, халқимиз тарихини тўлиқ ва тўғри акс эттириш зарур бўлган замон келди. Мустақил Ватанимиз киносанъати ижодкорлари ўз қаддини ростлаётган буюк халқимиз руҳи, эътиқоди ва талабига мос, юксак бадиий савияли фильмлар яратадилар, деган умиддаман!

Янги йил арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ва ижодий муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1996 ЙИЛНИ «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб,

унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб,

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида

1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 декабрь.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилда барча эзгуликлар ёр бўлишига тилакдошман.

Жон МЕЙЖОР,
Буюк Британия Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан муборакбод этамиз. Янги йилда барча эзгуликлар Сизга ёр бўлишига тилакдошмиз.

Беназир БХУТТО,
Покистон Бош вазири.
Асиф Али ЗАРДОРИЙ,
Покистон Бош вазирининг умр йўлдоши.

Эргаш УЧҚУН

Олис Американинг Нью-Жерси штатида яшайдиган ватандошимиз шоир Эргаш Учқун номи кўпчилигимизга таниш. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таҳририятимизга унинг «Истиқболнома[1]» деб номланган қасидасини тақдимэтди. Мамлакатимиз Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қилган мурожаатшрифидан ғоятилҳомланган шоирнинг битган ана шу қасидасини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ИСТИҚБОЛНОМА

Марҳабо, олийжаноб Исломхон, хуш келдингиз!
Марҳабо, эй раҳбари Ўзбекистон, хуш келдингиз!
Марҳабо, эй шонли Ўзбек, наслимизнинг сарвари,
Байроғимиз, шонимиз, ному нишон хуш келдингиз.
Марҳабо, аждод саси, тарихимизнинг муждаси,
Янги дунёга умиди Туркистон, хуш келдингиз.
Янги боғим, кўкламим, нирға ниҳолим, марҳабо,
Гулланиб Боғи Эрамдек, чақнабон хуш келдингиз.
Марҳабо, озодлиғ бўстонининг сармеваси,
Бахтимизнинг ғунчаси, зеби жаҳон хуш келдингиз.
Аввалан бор Ҳуррият байроғини тиккан йигит,
Олиҳиммат пешрави озодагон хуш келдингиз.
Насли Теймур, ассалом, фарзанди ғолиб, марҳабо,
Рашки дунё, хори чашми душманон хуш келдингиз.
Кўҳна дунёнинг эгаси, соҳиби сирри қалам,
Кекса тарих жилваси, рози ниҳон хуш келдингиз.
Марҳабо, шери Самарқанд, ёдгори Гулгакин,
Вориси Афросиёбу Кўрагон хуш келдингиз.
Шарқу Ғарбнинг фитнасидин юртни озод айлаган,
Марҳабо, эй ринди тарих, насли хон, хуш келдингиз.
Тадбирингдан бағри қондир, кунботар қонхўрлари,
Шукрилиллаҳ, оқмади бир томчи қон, хуш келдингиз.
Қанча юртда сулҳ бўлса, шунча ёвда изтироб,
Инқилобу изтироби душманон, хуш келдингиз.
Мир Навойи элни маъшуқ, шоҳни ошиқдир, дегай,
Марҳабо, эй ошиғи Туроний, хуш келдингиз.
Ғаҳ мухолиф, ғаҳ мувофиқ, эл иши саргашталик,
Гул тикансиз бўлмагай, эй боғбон, хуш келдингиз.
Яхшилик бирлан мухолифлар мувофиқлар бўлур,
Эй карими пардапўшу меҳрибон, хуш келдингиз.
Биз муҳожирлар ватандору ватанга зор эдик,
Дашти ғамда бошимизга соябон, хуш келдингиз.
Мен Хуросон ўзбегидирман, Навойи ўғлиман,
Сизга келтирдим саломи Хуросон, хуш келдингиз.
Ақраболик, қўшниликнинг айри-айри кайфи бор,
Англайишдир биймайи[2] сулҳи жаҳон хуш келдингиз.
Қўшнидан, ҳамсоядан диндош қариндош жўрадан
Бу қасида шаънингизга армуғон хуш келдингиз.
Ўтса умрим оздир, ҳамсояларнинг мадҳида,
Кел тобоғим, кет тобоғ ҳамсояйон, хуш келдингиз.
Шоир Учқун давлатингизга дуогўйдир мудом,
Соҳиби жуду карам, давлатли хон, хуш келдингиз!

Трентон шаҳри, АҚШ.

1). — Биз ватандошимизнинг дил изҳорлари қандай ёзилган бўлса шундоқ ҳолича, ўзгаришсиз қолдирдик (таҳририят).
2. Кафолат, гаров маъносида.

Мутахассис муаммо қўяди

ЯНА НИМАНИ КУТИШ КЕРАК?

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзбекистонда ўтказилаётган бозор ислоҳотларининг иккинчи босқичида иқтисодиётнинг тузилишида чуқур ўзгаришларни таъминлаш вазифаси турибди. Умуман олганда, бу вазифа келажакдаги барқарор иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг тузилишини келгуси асрга хос бўлган мезонларни кўзда тутган ҳолда ислоҳ қилиш зарурати юзага келмоқда. Бундай ўзгартиришларнинг миқёси узоққа мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этади. Шунинг учун такрор ишлаб чиқаришнинг тузилишини ўзгартиришнинг муҳим томонларини аниқ-равшан белгилаш лозим.

Республикамизнинг аграр секторида ва хизмат кўрсатиш соҳасида бандликнинг тузилиши масаласи шундай жиҳатлардан биридир.

Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида республика халқ хўжалигида банд бўлган барча аҳолининг 40 фоизга яқини меҳнат қилмоқда. Яъни, бандликнинг тузилишида умумий сони ва улуши бўйича бу сектор аҳоли энг кўп банд бўлаётган соҳа ҳисобланиб, иқтисодиёнинг бошқа соҳаларидан кўра анча устунликка эга. Шу билан бирга аграр сектор-да республика ялпи миллий маҳсулотининг чорак қисмига яқини яратилади. Ушбу кўрсаткич бўйича бу сектор бандлар сонини ҳисобга олганда, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидан кейин анча орқада қолган.

Шундай қилиб, республикамиз қишлоқ хўжалигида бандликнинг жуда юқорилиги кўзга ташланади. Бу ҳолат унинг ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссасига мос келмайди. Такрор ишлаб чиқаришнинг моҳиятига кўра саноатнинг структураси бизда муқобил нисбатларга яқинлашиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳаси эса ўзининг улуши бўйича деярли икки маротаба орқада. Шу туфайли макроиқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан олиб қаралса, шу соҳада бандликни сезиларли даражада ошириш мақсадга мувофиқ. Бунга, албатта, яқин ҳозирги кунда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли банд экан. Қишлоқ хўжалигининг ўзи ундаги мавжуд ресурслар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган ялпи талаб бўйича бундай миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда айтилганидек, аграр секторда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара оладиган аҳолининг 5-10 фоизи қолса етарли бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, гап тўрт миллиондан кўпроқ кишининг ўзи банд бўлган соҳасини ўзгартириши ҳақида кетмоқда. Бунда шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, 2000 йилга бориб қишлоқдаги меҳнат ресурслари тахминан бир миллион кишига кўпайиши кутилмоқда.

Кўрсатилган муаммонинг кўлами катталиги аниқ. Шу нарса ҳам ойдинки, бу вазифани бажариш учун ҳозирги кунда етишмай турган инвестицион ресурслар кўп миқдорда керак бўлади. Республикамизда ҳозирги вақтда энг чекланган ресурслардан бири ҳам худди ана шу инвестициялардир. Шунинг учун кўриб чиқилаётган муаммони ҳал этишда асосий ўринни кичик ва ўрта бизнес, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам эгаллаши керак. Инвестиция нуқтаи назаридан тадбиркорликнинг худди ана шу турлари энг тежамлидир. Чунки тадбиркорликнинг бу тури билан шуғулланаётган кишилар кўп ҳолларда ўз маблағини ишга солади.

Шу муносабат билан қишлоқда кичик ва ўрта тадбиркорлик учун барча зарур шароит яратилмоқда. Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, республика-мизда қишлоқдаги кичик ва ўрта бизнесни ташкилий, моддий-техника ва молиявий томондан қўллашга мўлжалланган қонуний ва норматив база барпо этилди. Бундан ташқари солиққа тортишда ҳам бир неча қулайликлар берилган.

Бу хайрли ишларнинг биринчи натижалари намоён бўлмоқда. Мисол учун, 1994 йилда маҳаллий саноат давлат корпорацияси томонидан қишлоқ жойларида 21 та кичик ва ўрта корхона ташкил қилинди. Бу ўз навбатида қўшимча деярли 4 минг кишилик иш ўрни яратилганлигини билдиради. Шу дастурга асосан корпорацияда 1995-1996 йилларда бу кўрсаткични тахминан 10 минг кишилик иш ўрнига етказиш мўлжалланмоқда.

«Ўзтайёрлов» тизимида 1994-95 йилларда шунга ўхшаш 207 та корхона очилди. Бу ўз навбатида 3 минг иш ўрнини ташкил этиш имконини берди. «Ўзмаишийхизмат» тизимида 1994 йилда 3 мингдан зиёдроқ ва 1995 йил давомида эса қўшимча 1,5 мингдан кўпроқ иш ўрни яратилди. «Ўзбекбирлашув» 1994 йилда 1,5 мингга яқин иш ўрнини барпо этди. «Бандлик» дастури бўйича бу ерда 1994-2000 йилларда 7 мингдан ошиқроқ иш ўрнини яратиш кўзда тутилган.

Айтилган йўналишлар бўйича кўзга кўринарли ишлар бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда. Шу жамғарма ҳисобига 1994 йилда республика миқёсида 20 минг, бевосита қишлоқ жойларида эса 14 минг иш ўрни вужудга келтирилди. Бу борада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг ҳиссаси катта. Ҳозирча у мамлакатимизнинг 187 та туман ва шаҳрида ўзининг бўлинмаларини очди. Ушбу жамғарма фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қишлоқда хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун 62 миллион сўмлик кредит ажратди.

Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хорижий инвесторларнинг ҳам маълум бир манфаатдорлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунга мисол қилиб, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки билан ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиз ўртасидаги шартномага асосан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш учун умумий ҳажми 60 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги кредит берилишига келишилганлигини эътироф этиш мумкин.

Шу билан бир қаторда ватанимиз олдида турган муаммоларни ҳал этишда юқорида келтирилган мисолнинг мутлақ миқдорда унча катта эмаслигини айтиш керак. Натижавий кўрсаткичларнинг етарли бўлмаганлигини маҳаллий ҳокимиятларда фаолликнинг етишмаётганлигидан ҳам ахтариш мумкин. Олинган мажбуриятларнинг бажарилмаётганлигини Тошкент, Навоий ва Хоразм вилоятлари мисолида кўриш мумкин. Бу вилоятларда янги иш ўрнини ташкил этиш бўйича топшириқларни бажариш 60-65 фоизни ташкил этади, холос.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг устун тараққиёти зарурлигига қарамай, мамлакатимизда бу соҳа жадал суръатда ривожланмаяпти. Бошқа тармоқларга нисбатан ортда қолмоқда. Бунга мисол қилиб «Ўзмаишийхизмат» томонидан кўрсатилаётган хизматнинг улуши жуда пастлигини айтиш мумкин. Айниқса, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятларида унинг улуши жуда ҳам кам. Бунинг устига айрим лавозимдаги кишилар томонидан ҳукуматнинг қоида ва нормативларининг бузилиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда.

Шундай қилиб, қишлоқда бандликнинг тузилишини ўзгартириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда. Бунда барча керакли қонуний ва норматив ҳужжатлар ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган. Яна нимани кутиш керак?

Эльшод НАБИЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти.



Ўзбекистон нефть мустақиллиги йўлида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон ХДП вилоятлар кенгашлари пленумлари

Ўзбекистон ХДП Фарғона, Андижон ва Хоразм вилоят кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгаши сессияларида сўзлаган нутқларидан ушбу вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари: Фарғонада — А. Мирсалимов, Андижонда — Р. Мухторов, Хоразмда — Ғ. Машариповлар маъруза қилдилар.

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган масалалар, дейилди Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши пленумида, уларнинг ҳал этилиши бўйича олға сурилган вазифалар ушбу вилоят учун ҳам долзарбдир. Зеро, бу ерда саноат ва қишлоқ хўжалигида юз бераётган ижобий ўзгаришлардан кўз юммаган ҳолда, ислоҳотлар айрим жойлар ва соҳалар бўйича жуда суст амалга оширилаётганлиги, раҳбар кадрлар фаолиятида ташаббускорлик, талабчанликнинг пасайиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўз сафларига 38 мингдан зиёд ХДП аъзоларини бирлаштирган вилоят партия ташкилоти мана шундай нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда қандай фаолият кўрсатяпти? Кенгаш ўзининг аввалги пленумида вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда партия ташкилотларининг иштирокини муҳокама этган ва тегишли қарорлар қабул қилган эди. Бироқ, айрим шаҳар ва туманлар партия кенгашлари ушбу ҳаётий масалага доир узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқмаганлар. Фуқароларни боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, уларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш борасида етарли даражада иш олиб борилмаяпти. Марғилон шаҳар, Риштон, Ёзёвон, Фурқат, Сўх туманлари партия кенгашлари иқтисодий ислоҳотлар даврида ўз фаолиятларини замон талабларига ҳануз мослаб ололмаётирлар. Мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оёққа туришига кўмаклашиш кўпгина партия ташкилотлари диққат эътиборидан четда қолмоқда.

Иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, маориф ва маданият муассасаларининг аҳволига бефарқ қараб келинаётган жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари маънавият — мустақиллигимизнинг таянчи, ёркин келажагимиз омилларидан бири эканлигини тушуниб етмаяптилар. Клуб ва болалар муассасалари ишламаётган, кутубхоналари ёпиқ, шифохоналари ночор ҳолатга тушиб қолган шаҳар ҳамда туманлардаги партия кенгашларининг бу аҳвол билан муросасизлик қилаётганлиги ғоят ачинарлидир.

Пленумда партия сафларини ўстириш, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузиш ва улар фаолиятларини такомиллаштириш, кадрлар сиёсатини амалга оширишда ҳокимликлар, корхоналар ва муассасалар раҳбарияти билан ҳамкорликни талаблар даражасига кўтариш зарурлиги қайд этилди. Унда сўзга чиққан Қўқон шаҳар, Данғара, Тошлоқ туманлари партия кенгашлари биринчи котиблари С. Мавлонов, Ж. Раҳмонов, Х. Рустамова ва бошқалар жойларда ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни партия фаоллари ўз зиммаларига олаётганлари, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликларни ҳам очиб ташладилар.

Чунончи, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш мақсадида кам таъминланган оилаларга ёрдам пули тарқатиш жараёнида, айрим маҳаллаларда суиистеъмолликларга йўл қўйилаяпти. Нега жойлардаги ХДП бошланғич ташкилотлари бу ҳолга бепарво қарамоқдалар? Ахир адолат, инсоф тушунчаларини омма онгига сингдириш, уларни ҳаётимиз тарзи тамойилларига айлантириш ХДП аъзоларининг муҳим вазифаси эмасми? Ёки уларнинг вилоятдаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг сусайиб қолганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, ўтган йилги сайловлар арафасида вилоят партия ташкилотлари билан бошқа жамоат ташкилотлари орасида ўрнатилган ҳамкорлик ижобий самаралар берган эди. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари, шоир Исмоил Маҳмуд ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши масъул ходими Р. Раимжоновларнинг нутқларида шу масала хусусида таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

Пленум туб ўзгаришларнинг янги босқичидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда партия ташкилотларининг иштирокини фаоллаштириш, мавжуд нуқсонларни бартараф этишдаги вазифаларини белгилаб олди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ МЕЗОНИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят партия кенгаши пленумида, вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян ижобий натижалар қўлга киритилганлиги билан бирга, ривожланишнинг ҳозирги, сифат жиҳатидан юқорироқ босқичининг янада мураккаброқ вазифаларига монанд равишда, вилоятдаги давлат идора ва ташкилотлари, корхона, хўжалик, фирма ҳамда уюшмалар жамоалари, хусусан, уларнинг раҳбарларига нисбатан талаблар ўсганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштиришга меҳнаткашларни тўла сафарбар этиш, уларнинг самарали фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратишнинг аҳамияти алоҳида уқтирилди.

Анжуманда партиямизнинг вилоятдаги ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги иштирокини фаоллаштириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди. Одамлар арз-додини тинглаш, уларни қийнаётган муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш, нафақат инсонпарварлик тамойили, балки, жиддий ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масала эканлиги, аҳолидан тушаётган шикоятларни мунтазам равишда умумлаштириш, уларни тегишли ташкилотларга етказиш, сансалорликка йўл қўйилганда, юқори идораларга бу ҳақда маълум қилиш, уларни ҳал этилишига эришишнинг барча чораларини кўриш партия етакчиларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Пленумда партиявий ишнинг самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Хусусан, ХДП сафлари ўсишининг бу ерда бироз сусайганлиги, ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ва мавжудлари фаолиятини такомиллаштириш партия кенгашлари эътиборидан четда қолаётганлиги, партия аъзоси бўлган раҳбар ва депутатларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишнинг таъсирчан воситаларидан фойдаланилмаётганлиги умумий ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Партия кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш қониқарли эмас, партиявий интизом даражаси паст. Биргина мисол: мингдан ортиқ партиядошларимиз аъзолик бадалини сурункали тўламай келаяптилар.

Марказий Кенгашнинг жойлардаги партия тузилмалари тизимида ишлаб чиқариш — хўжалик амалиётини йўлга қўйиш, уни яхшилаш борасидаги кўрсатмалари бажарилмаяпти. Шу боис, Жалолқудуқ, Марҳамат, Олтинкўл туман партия кенгашларининг молиявий аҳволи оғир. Бунинг асосий сабабларидан бири — партия етакчиларининг боқимандалик кайфиятидан батамом халос бўла олмаётганликларидир.

Партия ташкилотларининг обрў-эътибори, кўп жиҳатдан уларнинг тегишли ҳокимликлар ва жамоат бирлашмалари билан партиядошлик, биродарлик, манфаатлар муштараклигини англашга асосланган муносабатларни ўрнатишларига боғлиқ.

Музокараларда қатнашган Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгаши биринчи котиби Т. Исоқова, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари А. Солиев, Андижон тиббиёт институти доценти А. Каримов, Хўжаобод туманидаги М. Мадиёров номли агросаноат корхонаси бошланғич партия ташкилоти котиби К. Ғаффорова, Қорасув шаҳар халқ таълими бўлими мудири М. Мамасолиевлар ана шулар ҳақида гапирдилар.

***

Партиямиз Фарғона ва Андижон вилоятлари кенгашларининг пленумларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов нутқ сўзлади. Уларнинг ишида Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ф. Азимов, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Н. Саидовлар иштирок этдилар.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят партия кенгаши пленумида таъкидландики, Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида кўтарилган масалалар, ҳеч шубҳасиз, умуммиллий даражадаги дастурий аҳамиятга эгадир. Улар, айни пайтда, чуқур таҳлил, пухта ўйланган таклифлар, мамлакат, халқимиз манфаатлари устиворлиги ҳақидаги қоидага изчил риоя қилиш, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш йўлида қатъиятлилик, жамият келажагини ўйлаш билан ибратлидир.

Пленумда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги камчилик ва нуқсонлар Хоразмда ҳам борлиги ҳақида рўйи рост гапирилди.

Вилоят халқ хўжалигида кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга кенг шароит яратиб берилганлиги натижасида, саноатда, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, транспорт ва алоқа соҳаларида бирмунча силжишга эришилди.

Бироқ, булар билан бир қаторда, 15 та саноат корхонаси ўтган йилнинг 11 ойига нисбатан истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 121,7 миллион сўмга камайтирди. Вилоятда 17 корхона ишлаб чиқариш ҳажмини озайтириб юборган. Чорвачиликда ҳам вилоят хўжаликларида қорамоллар бош сони олдинги йилнинг шу даврига нисбатан, анча камайиб кетган. 261 аҳоли яшаш пунктлари сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган.

Мактабгача болалар муассасалари, боғчаларда ҳам муаммолар кўп. Корхоналарга, жамоа хўжаликларига қарашли 50 та боғча ишламасдан турибди.

Юртбошимиз ўз нутқларида клуб ва кутубхоналар, спорт иншоотлари ва истироҳат боғларидан самарали фойдаланишга эътиборни қаратдилар. Ҳазорасп, Янгибозор туманларида маданият ва истироҳат боғлари умуман ташкил қилинмаган. Шовот, Янгиариқ, Боғот, Хонқа, Дружба туманларида эса улар қаровсиз ҳолда ётибди.

Бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш фақат ҳокимликлар, хўжалик раҳбарларининггина иши бўлмай, балки жамоат ташкилотлари, айниқса, сиёсий партияларга ҳам тааллуқлидир. ХДП аъзолари жамиятимизда рўй бераётган барча ишларга бевосита дахлдордирлар. Буни барчамиз дилдан ҳис қилишимиз, халқимиз, фуқаролар тақдири учун масъуллигимизни ҳар доим ҳис қилиб туришимиз лозим, дея фикр билдиришди маърузачи ва музокараларда қатнашган Ўзбекистон ХДП Урганч туман кенгаши биринчи котиби Х. Ваисжонов, Боғот туман «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Худойберганов, Қўшкўпир туман «Гулистон» жамоа хўжалигибошқаруви раисининг муовини, партия ташкилоти котиби Й. Каримов, Янгибозор туман 19-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Г. Ибодуллаева, Шовот туман тадбиркорлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Д. Вафоева.

Пленумда таъкидланганидек, ҳали кўпгина партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларида ХДПнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишига кўмаклашиш, партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳокимликлар, хўжаликлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш борасида жиддий камчиликлар бор.

Шунингдек, пленумда оммавий-сиёсий, тарғибот ва ташвиқот, ички партиявий ишлар, партия тузилмаларини такомиллаштириш, интизом, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, уни ривожлантириш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қаттиқ танқид остига олинди, уларни бартараф этишнинг йўллари аниқланди.

Раҳбарлик лавозимидаги ХДП аъзолари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Вилоят партия ташкилотларининг ислоҳотлардаги иштирокини кучайтиришга қаратилган долзарб вазифалар белгиланди, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарик, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Т. Дўстжоновлар нутқ сўзладилар.

Қ. МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркорлик ва ислоҳот

ИЗЛАНГАННИНГ ИШИ БЕШ





Андижон вилоятидаги «Шаҳрихонсут»ни ким билмайди, дейсиз. 1994 йили очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланди. Аввало, сифатли сут келтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун деҳқон (фермер) хўжаликлари билан маҳсулот етказиб бериш алоқаси мустаҳкамланди. Қабул қилиш жойларидан сутни корхонага топшириш тизими такомиллашди. Янги сутдан тайёрланган маҳсулот эса ўз харидорларини тез топди.

Иккинчидан, ҳар бир иш жойи самара келтириши кўзда тутилди. Сут, қатиқ, сут уни, Голланд сири, шоколадли сариёғ сингари маҳсулотлар қаторига янгилари қўшилди. Замонавий, кўркам, бир марта фойдаланишга мўлжалланган идишлардаги шоколадли, шарбатли музқаймоқ мазасини тотиганларнинг оғзида қоладиган даражада. Парвардани айтмайсизми!

Барака мисқолларда, дейдилар. Буни тўғри англаган жамоа маҳсулот талон-торожига ҳам тўсиқ топди. Қандай қилиб дейсизми? Ҳиссадорлик жамиятида ишлаётганларни бу ернинг ўзида тайёрланаётган маҳсулот билан маълум миқдорда мукофот тарзида тақдирлаш жорий этилди. Бўзчи белбоққа ёлчиб, кўпчилик ўз меҳнати маҳсулидан баҳраманд бўлаётган бошлади.

Кўпгина корхоналар банкротлик гирдобига тушган чоғда «Шаҳрихонсут» йилнинг биринчи ярмида 2 миллион 300 минг сўм соф фойда кўрганди. Йилнинг якуни бундан-да салмоқли...

Қаймоқдан сариёғ чиқарилаётганида ажралган суюқлик қайта ишланиб, сервитамин, тановвул қилганингизда танангиз яйрайдиган «Пахта» шифобахш ичимлиги тайёрлаш йўлга қўйилди. Цехлардан чиқаётган оқовалар таркибидаги мой махсус тутқичлар ёрдамида тўпланиб, совун тайёрланяпти. Корхона эҳтиёжидан ортган совунлар жамоага қарашли фирма дўконларига жўнатилмоқда.

— Ишчи ходимларга қулай шароит яратиш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш — бурчимиз, — дейди жамият раҳбари Абдувоҳид Назаров. — Хордиқ хоналари, кутубхона ишлаб турибди. Тушлик бепул. Уй-жой қураётганларга кўмак беряпмиз. Яқинда тиббиёт, мебель саноати учун зарур маҳсулот — кашзеин ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу ноёб маҳсулот ҳиссадорларимизни дунё бозорига чорласа ажаб эмас!

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. «Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Абдувоҳид Назаров (ўнгда), кадрлар бўлими бошлиғи Муҳаббатхон Умарова, механик Абдуғаффор Исмоиловлар ўзаро суҳбатда. 2. «Шаҳрихонсут» маҳсулотлари.

Суратларни Хурсандбек АРАББОЕВ олган.

ҲИССАДОРЛИК НИМА БЕРЯПТИ?

«Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси хусусийлаштиришнинг янги шаклига ўтиб, янглишмади. «Ҳиссадорлик жамияти» мақомини олгач, ислоҳот талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш анча енгиллашди. Бироқ малақали ишчи, мутахассисларни жамоада сақлаб қолишда бирмунча муаммоларга дуч келинди.

Изланганга имкон топилади, деганларидек, маъмурият бу муаммолар ечимига ҳам йўл топди. Яъни ишчиларни ишдан бўшатмай, уларга қўшимча иш жойлари яратиб беришга киришди. Барпо қилинаётган ўраш линияси ва ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш цехи шулар жумласидандир.

Абдунаби МАННОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

«ШАРҚ-МИР» ГОЛИБИ

ИСТИҚЛОЛ юртимизга чет эл сармоядорларининг кириб келаётганлиги тараққиётимизнинг барқарор мақом топишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Туркиянинг «Демир» фирмасига қарашли йирик супермаркет дўконининг Тошкент марказида очилиши ҳам ўзига хос воқеага айланди.

Бу дўконга «Шарқ-Мир» номининг берилиши бежиз эмас. Боиси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни билан «Демир» фирмаси ҳамкорликда ана шундай ажойиб тижорат марказини дунёга келтиришди. «Зарафшон» ресторани ёнидаги ўзига хос қадимий бино таъмирлашдан кейин замонавий қиёфага эга бўлди. Қизиғи шундаки, дўконнинг очилиши арафасида ойнаижаҳон орқали «Мир» сўзининг маъноси нимадалиги экани ҳақида ўзига хос танлов эълон қилинганди. Кимки, шу сўзнинг маъносига хос жавобларни мукаммал топа билса, ғолибни ажойиб мукофот кутаётгани ҳам маълум эди. Қизиқувчилардан 2500 дан кўпроқ мактуб олинди. Улар саралаб таҳлил қилинди. Жавобларни ажойиб тарзда мухтасар амалга оширган тошкентлик Беҳзод Мирзаев ғолибликка лойиқ кўрилди.

— Жавобни тўғри йўллаш учун кўп ўйландим, — деди Беҳзод. Ниҳоят улкан панно яратиб, унга рўйи-замин қатъалари-ю минтақаларини тасвири туширилган ҳолда, чамаси Ўзбекистон жойлашган нуқтага қўшни қўйиб, ундан нур таралиб туришини ифода этишга киришдим. Қуёш нурларида дунёнинг тинчлик-хотиржамлик, меҳнат завқи, барокатини ифода этувчи сўзлар тизмасини теришга ҳаракат қилдим. Бунинг учун кеч соат 20 дан тунги 02.30 ларга қадар мижжа қоқмадим. Мен ютиб чиқаман, деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳайтовур танлов ҳаяъати менинг меҳнатимни юқори баҳолаб, биринчи мукофотга лойиқ топишди.

Ғолибга тантанали равишда хорижда ишлаб чиқарилган рангли телевизор ҳадя этилди.

Ҳолида ИНОҒОМОВА.

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

ЧОРШАНБАЛИК. БУНИ ТАБРИКЛАШ МУМКИН

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ўтказаётган «чоршанбалик» учрашувлари чиройли бир тадбирга айланди. 296-ўрта мактабда Чилонзор-30 мавзесидаги йўларнинг ҳар биридан вакиллар — уйбошилар, эътибордаги кишилар жам бўлишди. Одат буйича туман ҳокими О. Алихўжаев ва унинг муовини Б. Раҳмонов, туман миқёсидаги қарийб барча соҳа раҳбарлари ушбу маҳалланинг бугунги аҳволи, қилиниши зарур бўлган долзарб масалалар хусусида келишиб олдилар.

Аввало, қиш-қировли кунлар бошланиб, уйларда баъзан иссиқликнинг етишмаслиги, болалар қатнайдиган йўллардаги бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар, ахлат қутиларининг етишмаслиги каби умумий муаммолар, сўнгра эса ҳар бир уйдаги аҳвол муҳокама этилди. Масалан, 12 қаватли 17, 18, 19, 23, 24- ва бошқа уйлардагилар лифтларнинг мунтазам ишламаслиги, шу йилнинг қарийб олти ойи мобайнида юқори қаватларга сув чиқарилмаганлиги, электр масаласидаги камчиликларни ўртага ташлашди. Айримларини одамларнинг ўзлари ҳам келтириб чиқараётгани, баъзан эса ҳатто атайлаб қилинаётган бузишлар ҳам борлиги сир эмас.

Йиғилишнинг катта таассуроти ушбу муаммоларнинг ҳар бири тегишли мутасадди кишиларга тайин этилди ва уларни бартараф этиш учун муайян муддатлар белгиланди.

Чиройли ўтган бу учрашувнинг сўнгги натижалари учтўрт кун ичидаёқ кўзга кўриниб қолишига умид ва ишонч билан йиғилган маҳалла аҳли ҳокимликнинг саккизинчи чоршанбалигидан тарқалдилар.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЧАМАНКЎЛ» ЧАМАН БЎЛАДИ

Бу ерлар бундан уч йил бурун «Чаманкўл» деб аталарди. Бошқа қаймоқдай ерлар қолиб денг, Етимқум деган қишлоқда «бўлим» деб юритиладиган жамоа бошлиғи Эшпўлат Нурматов деган йигит «Чаманкўл»да тегирмон қурди. Нурматов деганимиз асли етимқумлик. Касби — агроном. Туманлари — Қизириқ. Кунига 50 тонна ун ишлаб чиқаради. Демак, нафақат Қизириқ, яна уч-тўрт туман рўзғорларининг дастурхонини обод қиларди. Унинг сифатини айтмайсиз-ми: топ-тоза, оппоқ. Элаганда кепак чиқмайди. Бир бурсилдоқ, бир қаймоқдай нонки...

Тегирмон туртки бўлиб, «Чаманкўл»да дон тайёрлаш идораси қурилгани нур устига аъло нур бўлди. Бу ишга ҳам Нурматовнинг ўзи раҳбарлик қилди. Қўл узатсалар бас: тайёрлов идораси ҳам, тегирмон ҳам ёнгиналарида. Йилнинг ҳар чорагида салкам 2 миллион сўм соф фойда олишяпти.

— Элеватор, омухта ем, дон тозалаш цехларини қурамиз, — дейди Нурматов. — Яна... Қўрғон-қишлоқ қурмоқчимиз. Замонавий қилиб. Кўчаларини асфальтлаб, газлаштириб. Ҳатто, коммуникация-канализацияси билан. Бу қишлоқнинг ҳам оти «Чаман» бўлади!

Олимжон УСАНОВ.

УЙҒОТАДИГАН, МУСИҚА ЧАЛАДИГАН ТЕЛЕФОН

Бухоро шаҳри алоқачилари Жанубий Кореянинг жаҳонга машҳур «ДЭУ ТЕЛЕКОМ» компанияси билан шартномага имзо чекдилар. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ хорижий шериклар Бухоро шаҳридаги 3, 4, 5-телефон станциялари учун сонли алоқа жиҳозлари етказиб берадиган бўлдилар.

Компания етказиб берадиган ускуналарнинг афзаллиги шундаки, абонентлар бир теришдаёқ керакли жой билан боғлана оладилар. Шунингдек, телефон ўз соҳибини белгиланган вақтда уйғота олади, уни мусиқа билан хушнуд этади. Хуллас, янги ускуналар ўрнатилса мижозлар 30 га яқин хизматдан баҳраманд бўладилар. Бундай имкониятга бухороликлар Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги арафасида эга бўладилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

СОВИТУВЧИ СУЮҚЛИК ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Шу пайтгача мамлакатимизда ишлаб турган 19 та мой, 11 та пиво ва яхна ичимликлар, 38 та сут маҳсулотлари сингари корхоналарда ёки барча мева ҳамда сабзавот сақлаш ташкилотларида совитувчи восита сифатида кальций хлориднинг сувли эритмаси ишлатилар эди. Бу тузнинг нархи харажатлар билан ҳисобланганда тоннаси эллик минг сўмга бориб қоларди.

Ана шу муаммо Тошкент кимё-технология институти профессори Ф. Қурбонов раҳбарлигидаги тадқиқотларда ҳал бўлди. Эндиликда Тошкентдаги «Ниҳол» заводида ташкил этилган янги цех маҳаллий саноат маҳсулотлари асосида ана шундай совитувчи суюқликни ишлаб чиқармоқда.

Абдуваҳоб ИКРОМОВ.

Сизга айтар гапим бор

АКАМ – МЕҲРИБОНИМ, МУНИСАМ – СИНГЛИМ...

ёхуд жону-жигарлик бурчлари хусусида

Бир куни қайсидир даврада менга: «Сизга ўғлингиз яқинми ёки укангиз?», «Қизингиз яқинми ёки синглингиз?» деб савол беришди. Мен буни ҳазилга йўйиб, кулдим. Аммо кейин ўйланиб қолдим. Менга қай бири яқин ва азизроқ? Бир қориндан талашиб тушган жигарларимми ё юрагимнинг қонидан бунёд бўлган фарзандларимми? Қизиқ...

Сиру-синоатга тўла бу дунё, англаш мушкул бўлган жумбоқ.

Болалигимда юз берган бир воқеани эслайман. Ўша куни отам райондан жуда кеч қайтдилар. Қўлларида қоғозга ўроғлиқ нимадир бор эди. Биз опа-сингиллар бараварига «у нима?» деб сўрадик. Отам сирли кулиб қоғоз ўрамини очдилар. Нафис гулли, пуштиранг рўмол! Сўнг менга юзланиб: — Она қизим, дўконда шунақасидан биттагина экан. Синглинг яқинда касалдан турди, ўраб бир қувонсин! Сенга кейинги гал бундан ҳам яхшироғини олиб келаман, хўпми? — дедилар.

Синглим шу заҳотиёқ рўмолни бошига ўради. Ойна ёнига борди. Мен чидаб туролмадим. Ўжарлигим тутди. «Нега унга бору, менга йўқ!» Синглимнинг бошидаги рўмолга чанг солдим. У чинқириб юборди. Отам нима қилишини билмай қолди. Шунда энам кириб келдилар. Ҳаммамизга бир-бир қараб, нима гаплигини фаҳмладилар. Сўнг менинг бошимни силадилар: «Сенга нима бўлди, жоним қизим? Бир кўрпани тепкилашиб катта бўлган жигарингга ғайирлик қиласанми? (Шу орада синглим пиқ-пиқ йиғлаб ҳовлига чиқиб кетди). Ахир яқинда тузалди, у бечора. Кўнгли ярим. Опа бўлиб қувониш ўрнига, шу битта матоҳни ундан қизғониб ўтирсанг...»

Қўлимдан рўмол тушиб кетди. Югуриб ҳовлига чиқдим. Синглим ариқ бўйида юзини ювaётган экан. Шарпамни эшитиб ўгирилди. Менга бегоналардай назар ташлади...

Қанча йиллар ўтди. Байрамларда синглимга турфаранг рўмоллар совға қилдим. Лекин болалик хотирамга ўрнашиб қолган ўша воқеани эсласам, ҳамон эзиламан. Билсам, жону-жигарлик бурчи ҳар нарсадан кўра кучлироқ бўларкан!

Ўғлимга қайта-қайта: «Синглингга доимо меҳрибон бўлгин» дея уқтираман. Қизалоғимга эса: «Акажон деб чақиргин, унга ишониб, суяниб яша» дейман. Бир-бирига яқинлик туйғуси ҳозиргидан ҳам мустаҳкам бўлсин деб ният қиламан. Арзимас нарсани талашиб, бир-биридан узоқлашган опа-сингил, ака-укалар бор, ахир...

«Агар ўз яқинларингга иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сен ҳақдаги дуолари шунча тез мустажо бўлур» дейилган Қобусномада. Аслида, қон-қариндошлар ўртасида яқинлик ва қадрдонлик туйғулари азал-азалдан мавжуд. Мана шу туйғулар кишиларни якдиллик, яктилликка ундайди, кўнгилларига ёруғлик олиб киради. Шу жиҳатдан одамлар бир-бирига ҳамдил ва ҳамфикр, юпанч ва таянчдирлар.

Бир куни идорадаги ҳамхонам ёзғириб қолди:

— Яқинда қўшни маҳаллага узатган синглим аразлаб келиб қолди. Куёв хафа қилган, шекилли. Уч-тўрт кун ўтди, эрталаб чой ичиб ўтирсак, куёвимиз кириб келди. Синглимизни олиб кетмоқ учун келганини фаҳмладик. Илиқ кутиб олиб, нонуштага таклиф қилдик. Куёвимиз чой ича туриб, икки укамни қизиқ-қизиқ гаплар айтиб қулдириб ўтирди. Шунда укаларим менга қараб «Опа, қаранг, поччамиз қандай қувноқ, ҳазилкаш. Саидангизнинг ўзи ёмон-да, тили заҳар...» дейишди. Юрагим музлаб, синглимга қарадим. Бечора, ерга кириб кетгудек бўлиб ўтирибди. Хуллас, келин-куёв ярашиб, хушхандон чиқиб кетишди. Мен укаларимни койидим. «Куёвнинг олдида ўз сингилларинг ҳақида шундай дегани уялмадингларми? Қанақа акасизлар, ўзи?» деқўймаслар, — дерди бир пайтлар қишлоғимиздаги энг кекса онахон Санам момо. — Суриштириб келганда ҳаммамиз бир-биримизга қон-қариндошмиз... Умуман, одамларнинг ҳаммаси бир-бирлари олдида бурчли, дея ўйлайман баъзан. Ахир ҳаётимизга кўрку-мазмун бериб турган нарса ҳам ана шу бурч эмасми! Киши кишига дўст, елкадош... Яна ўша Санам момони эслайман. Бутун қишлоқнинг онаси эди у. Бутун қишлоқ унинг боласи эди. «Ўзинг у ёқда бўлсанг ҳам, дилинг шу тупроқда бўлсин, — дея насиҳат қиларди у бошқа шаҳарларга уй-жой қилиб кетганларни дуо қилиб. — Яратганнинг ўзи сени мана шу тобуткашларингдан айирмасин...»

Гоҳо ўйга толаман: азалий-абад бир-бирларига жону-жигардек азиз, елкадош ва тобуткаш бўлиб келган ҳамқишлоқлар ўртасида тобора нураб бораётган меҳр пойдевори қайта қарор топсин учун «етти ўлчаб бир кесади»ган момоларимиз, боболаримиз бизга нақадар керак! Шунда «Ҳар бир қишлоқнинг ўз Санам момоси бўлса» дея орзу қиламан.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Barakat Co. Ltd.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов
ва бутун ўзбек халқини
Янги — 1996 йил билан
самимий ҳамда қизғин қутлаймиз.

Ҳар бир хонадонга тинчлик ва
хотиржамлик тилаймиз.
1996 йилда Ўзбекистон иқтисодий
мустақилликка эришишига
ишончимиз комил.

Янги йил ўзбек қардошларимиз учун
янада юксалиш йили бўлсин!

"Баракат Ко. ЛТД" хорижий ширкати.

Бодомзор

ҳиссадорлик жамияти ходимлари

ўз ҳамкорлари ва мижозларини, шунингдек, барча ватандошларни

Янги — 1996 йил билан

муборакбод этади! Сиҳат-саломатлик, осойишталик, хонадонингизга қут-барака ва ишларингизга омад тилайди!

"ТРАСТБАНК"

Ўзбекистон Республикаси халқини

Янги — 1996 йил билан

муборакбод этади!

Барчангизга тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат ва равнақ тилаймиз.

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ ҲАМДА МАМЛАКАТНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ – 1996 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.
ТИЛИ ВА ДИЛИ БИР БЎЛГАН ЎЗБЕК-ТУРК ҲАМКОРЛИГИ, ДЎСТЛИГИ ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ РИВОЖ ТОПАДИ, ДЕГАН УМИДДАМИЗ.

Ҳурматли харидорлар!

Машҳур **"БЕТА"** халқаро ўртоқлик фирмаси кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда Цейлоннинг олий навли чойларини

таклиф этади.

Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан дунёда маълум ва машҳурдир.

Машҳур чой турлари:

BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ), **BETA TEA** (БЕТА ЧОЙ), **HOWDAH TEA** (ХОУДАХ ЧОЙ)

Шоколад турлари:

GOLD GRAND (ГОЛД гранд), **MONDIL** (МОНДИАЛ)



Машҳур Цейлон чойларининг олий нави бўлиб, Оврупо ва Осиё бозорларида унга талаб кучли.



Юқори навли, юксак сифатли, хушбўй Цейлон чойларидан бири.







Юқори сифатли, жаҳон стандартларига мос келадиган нав.



Денгиз сатҳидан анча юқорида етиштирилган жаҳонга машҳур чой нави.

"БЕТА" Ўзбекистон аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 119.
Телефонлар: 48-04-97, 48-05-10. Факс: 48-09-90.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД" ***Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.***

BAT

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ —
"БРИТИШ — АМЕРИКЭН — ТОБАККО"
("БИ-ЭЙ-ТИ") КОМПАНИЯЛАРИ
ГУРУҲИНИНГ АЪЗОСИ —
АКЦИОНЕРЛИК

UZBAT
ЖАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВни
ва бутун ўзбек халқини
Янги — 1996 йил билан табриклайди.

Ўзбекистон Республикасининг келажакда гуллаб-яшнаши ва юксалиши учун жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш йўлида изчил ва дадил қадамларни кўтаринки руҳ билан қабул қилмоқдамиз.

Ёш мустақил давлатнинг мустақил иқтисодий пойдевори яратилишига ўз ҳиссамизни қўшишга қатъий аҳд қилганлигимизни билдирамиз.



1996 йилда фаровонликнинг бундан буён ҳам ошишини, барқарорликнинг мустаҳкамланишини ва республиканинг янада равнақ топишини тилаймиз.

ОСИЁ-ВЕСТ
OSIO
WEST

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
"ОСИЁ — ВЕСТ"
қўшма корхонаси

Яқинлашиб келаётган
Янги — 1996 йил
муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси
Президенти жаноб
Ислом Абдуғаниевич
КАРИМОВни ҳамда
бутун Ўзбекистон халқини
муборакбод этади.

Янги йилда барчага тинчлик,
бахт-саодат ва
фаровонлик тилайди.

"ОСИЁ-ВЕСТ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ.





Ўзбекистон - Америка
"АЛ-ФАРОСАТ"
қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ
жаноби олийларини ва
бутун ўзбек халқини
Янги — 1996 йил билан
самимий қутлайди, янги йилда барчага бахт-саодат, равнақ ҳамда фаровонлик тилайди!

Келгусида бизнинг техника
сизни хурсанд қилади,
деган умиддамиз.

Манзилимиз:
Тошкент, Буюк Турон, 41
Тел: 33-91-92, 36-73-44.

National Electronics, Inc., America

фирмаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовни,
республика ҳукуматини ва
бутун ўзбек халқини келаётган
Янги — 1996 йил билан
самимий муборакбод этади.

Электрон-маиший техника буюмлари ва бошқа истеъмол молларини Ўзбекистон бозорига тақдим этувчи бу фирма сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва республиканинг гуллаб-яшнашида энг яхши тилаклар изҳор қилади. Биз Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Биз Сизни Янги — 1996 йил билан табриклаймиз !

Билиб қўйинг:
Кўнгил хотиржамлиги — бебаҳо!

ARK SUĞURTA GURUHI
ГРУППА СТРАХОВАНИЯ
INSURANCE GROUP

700064, Тошкент ш,
Бобур кўчаси, 14.

тел: 55-65-58, 53-29-39.
факс: 55-67-10.

Central Asian-American Enterprise Fund

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди

Ўзбекистон халқини

Янги - 1996 йил билан табриклайди.

Бахт-саодат ва равнақ, иқтисодий ислоҳотлар йўлида муваффақиятлар тилайди.

Ричард С. БЕРНСТРОМ,
Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондининг президенти ва Бош ижрочи директори.

UZBEKISTAN airways

ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ — ИНДОНЕЗИЯГА САФАР ҚИЛИНГ



"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 1996 йилнинг январида Ўзининг янги қатновини очади.

13 минг орол Сизни ажойиб табиати билан қарши олади. Суматра, Ява, Калимантан, Сулавеси, Янги Гвинея шулардан энг йириклари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос гўзалдир!

Янги қатнов Индонезия пойтахти — Жакартани кўришнинг нодир имкониятидир. Зеро, Ява оролида жойлашган, турли даврлар ва цивилизациялар уйғунлашиб кетган бу шаҳар Жанубий–Шарқий Осиёнинг ажойиб шаҳарларидан бири ҳисобланади.
Қатнов ИЛ–62 самолётида амалга оширилади.

Унинг жадвали билан танишинг:

ТОШКЕНТ — ЖАКАРТА

НУ-111, шанба кунлари, Тошкентдан учиш вақти — 21.30.
Жакартага қўниш вақти — 08.15 (якшанба куни).
НУ-112, душанба кунлари, Жакартадан учиш вақти — 09.45.
Тошкентга қўниш вақти — 17.25.

(учиш ва қўниш вақтлари маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган).

Қўшимча ахборотни Сиз Тошкентдаги Авиачипталарни банд этиш ва сотиш мажмуасидан олишингиз мумкин.
Телефонлар: 56-38-37, 006.

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" – ҚИТЪАЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ!

АВИАРЕКЛАМА

Pharmed®

"ФАРМЕД"

хусусий фирмаси

барча юртдошларини кириб келаётган
Янги йил билан табриклайди,
ҳар бир оилага бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.

БИЗ СИЗГА ҲАМИША ОМОНЛИК ТИЛАЙМИЗ!

Тошкент, Ибрат кўчаси, 1-уй,
Тел: (3712) 47-98-90, 47-98-94.
Факс: 47-22-98.



"НАВРЎЗ-ФТ"

қўшма корхонаси
қуйидаги молларни сотувга
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Кофе (*АҚШда ишлаб чиқарилган*);
2. Какао;
3. Ҳар-хил ручкалар;
4. Пойабзал;
5. Автомобиль шиналари;
6. Автомобиль эҳтиёт қисмлари.

Қўшма корхона чет элда ишлаб чиқарилган автомобилларни таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширади.

Тўлов услуби турлича.

Алоқа учун телефонлар:
(3712) 24-98-81, 24-49-92, 68-94-15, 68-94-16.

"ЭКОГЕОТ" ФИРМАСИ

ECOGEOT

барча юртдошлари ва ҳамкорларини
ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН
муборакбод этиб, бахт-саодат ва равнақ тилайди.



Ўйлаймизки, 1996 йилда ҳам эски йилда бўлганидек ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатли ва баракали бўлади. Фирма пул ўтказиш йўли билан Финляндиянинг ***BE-95*** ва Қозоғистоннинг ***А-76*** юқори сифатли бензинини сотади, уни сақлаш ва қуйиш хизматларини ҳам кўрсатади. Шунингдек, кенг турдаги ***автошиналар ва аккумуляторлар, паркет линолеуми, музлатгичлар, ТАСОЛ-40*** бизда мавжуд.

Телефонлар: (3712) 68-56-41, 68-16-41 соат 8 дан 18 гача, 36-00-45 соат 8 дан 18 гача.
Манзил: Тошкент, Пушкин кўчаси, 59 "Средазцветмет"институти, 1-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

«ЁМОНЛИҚДАН ЯХШИЛИҚ ИЛГАРИ КЕРАКДУР»

Амир Темур зоти олийлари — Кўрагон ҳаёти ва фаолиятида бул зотнинг шахсий фазилатларини намоён қилувчи қуплаб лавҳалар бўлганки, шулардан баъзилари тарих китобларида акс этган.

Мўғул ҳокимиятининг Иккидарё оралиғидаги энг кучли таянчи, яъни мўғул салтанатининг қудратли давлати — Олтин Урдага қарашли Хоразм ҳижрий 870-йиллар охирларида ҳам ҳануз мўғул ҳукмдорлари томонидан идора қилинарди. Хоразм юриши бир неча бор бўлганлиги ва унга Амир Темур Кўрагон катта эътибор берганлигини тарихчиларимиз ва бошқа мутахассисларимиз турлича баҳолайдилар. Хоразм Амир Темур сиёсий фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этишининг, бизнингча, қуйидаги сабаблари бор: 1. Тарихан яхлит бўлиб келган Иккидарё оралиғи икки салтанат қўл остида бўлиши бутун халқни, давлатни парчалаш бўлур эди. 2. Мўғул истилосигача фақат Иккидарё оралиғинигина эмас, бутун Шарқнинг катта қисми маркази ҳисобланган Хоразмни мўғуллар ҳукмронлигидан қутқариш алоҳида сиёсий аҳамият касб этарди. 3. Амир Темур Кўрагон босқинчи мўғул салтанатининг ўз она тупроғини икки улус ўртасида тақсимлаш сиёсати билан чиқиша олиши мумкин эмасди. 4. Агар Амир Темур Кўрагон (зоти олий) фақат Чиғатой улуси ерларини озод қилиш билан чегараланиб, Жўжи улуси ерларини даҳлсиз деб билса, унда у мустақиллик ҳаракатини ярим йўлда қолдирган ва аслида мўғул ҳукмронлиги ва сиёсати билан зимдан келишгандай бўлиб қоларди. 5. Хоразм ерларида — Жўжи улуси — мўғул босқинчилари ҳукмронлиги, энди озодликка эришаётган Иккидарё оралиғидаги Темур Кўрагон давлати мустақиллиги учун катта ҳарбий, сиёсий таҳдид эди. Демак, Хоразмга бир неча бор юриш асосида ватанпарварлик, миллий озодлик, давлат мустақиллиги ва, энг муҳими, она ер ва халқининг яхлитлигини сақлаш ғоялари ётади.

Шу муқаддас ғоялар йўлида ҳар қандай сиёсий, ҳарбий хатти-ҳаракат оқланиши мумкин бўлган ҳолда Хоразм юришида ҳам Темур Кўрагон (зоти олийлари) ўзининг инсоний бурчига содиқ қолганлигига, темурийлар сиёсий «душмани» ҳисобланган шайбонийларга бағишланган «Тавориҳи ғузида» ёки «Нусратнома» асаридаги қуйидаги лавҳалар ҳам гувоҳлик беради: «Темурбек Урганч, Қирот, Хоразм бориб Юсуф суфидин Хоразмни олгони таърих етти юз саксонда — қўй йили эрди. Мовароуннаҳр черикини йиғиб Юсуф суфи қасдиға юруди. Токи Хоразмга етиб тарес ва мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади. Ўзаро музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги декларация, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт техникаси, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотни қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимлар имзоланиши режалаштирилган.

***

ТБИЛИСИ. Грузияда 26 декабрь куни мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Тенгиз Китовани устидан суд жараёни бошланди. Мудофаа муассасасининг собиқ раҳбари «ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этишда» айбланмоқда. Грузия жиноят кодексининг 238-моддасида бундай жиноят 10 йил озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши қайд этилган.

Тенгиз Китовани 1995 йил 13 январда ўз ташаббуси билан тузилган қуролли гуруҳлар ҳамроҳлигида Ғарбий Грузияга юриш қилаётган пайтида ҳибсга олинган эди.

***

МОСКВА. Жорий йил охирида Россиядаги расмий ишсизлар сони мамлакат аҳолисининг 3 фоизини ташкил этди. Мамлакат федерал бандлик хизмати маълумотларига қараганда, айни пайтда Россияда иш излаётган 2,6 миллион киши мавжуд. Йил бошидан буён мамлакатда ишсизлар сони 1,4 баробар ошган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

«ЁМОНЛИҚДАН ЯХШИЛИҚ ИЛГАРИ КЕРАКДУР»

чорлаб дедиким: Эр киши сўзига вафо қилмоқ керак, вафо қилмоғон тирик бўлгунча ўлмақи керак, деди. Тақи йонди. Мундоғ баҳодирлиғ бекдин қўруб доғлар қилдилар. Тақи бу учурда Термизидин бек учун йанғилиқ қовун келтурдилар. Темурбек айдиким, янги ош турур, Юсуф суфи қудаға элтингиз деб. Олтун табоқ ичида қўйуб йиборди. Темурбек дедиким: «Ёмонликдин яхшилиқ илгари керакдур». Беклари дедиким: «Ёғоч табақда қўйуб йиборамиз». (Темур) Бек деди: «Ул ҳам яхши уруғи турур, мунунгдек нималар келур ҳам борур, деди. Ул киши олиб дарвозага борурда ўтрусидин қўрғондағилар чорлади.

— (Не) келтурурсен деб сураді. — Янғилиқ — қовун. Юсуф суфи қудама элтингиз, деб олтун табақ ичида қўйуб йиборди, деди, Тақи табақни қўйуб йонди эрса, Юсуф суфи қайсарлиқ (?) қилиб дарёға солди...»

Ушбу лавҳада Амир Темур Кўрагоннинг бир неча фазилати намоён бўлмоқда. Биринчиси, мардлик, баҳодирлик. Юсуф суфи ўз таклифидан ўзи қўрқиб кетган ҳолда Амир Темур Кўрагон буни жон-жон деб қабул қилганлигини кўрамиз. Эл-улус, аскар қирилиб, беҳуда қон тўкилмаслиги учун ким кўпроқ жон куйдириши бу лавҳада аниқ кўринади. Бегуноҳ, ноўрин, бесабаб қон тўкилмасликка интилиш жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг энг аввал қуллайдиган тадбирларидан бири эди.

Иккинчи муҳим бир кўзга ташланувчи томон, жанг майдонида ҳам, ҳаётда ҳам ўз Сўзи эгаси бўлиш, Сўзига вафодор бўлиш, демакки, мунофиқлик ва риёга шафқатсиз бўлиш фазилати. Темур Кўрагон талабга жавобан майдонга тушишининг ўзигина етарли эди. Аммо ўша майдонда ҳам яна бир бор «Эр киши, демак, мусулмон ўз Сўзига вафо қилмоғини» таъкидлаб чиқиб кетади. Бу қуплаб тарихчилар таъкидлаган ва «Тузук»ларда акс этган Амир Темур Кўрагонга хос ўй ва амал, сўз ва ҳаракат бирлигининг намоён бўлишидир. Юсуф суфи майдонга тушмаслиги, Амир Темур Кўрагон майдондан қайтмаслигининг асл манбалари ҳам шу ерда ойдинлашиб қолгандай кўринади. Чунки Темур Кўрагон (зоти олийлари) ўз халқи, ўз тупроғи, ўз давлати учун курашда ва бу йўлда у жонини тиккан одам эди. Юсуф суфи эса босқинчи мўғуллар гумаштаси, ўз халқини сотиб, мўғуллар — Олтин Урдага ялтоқланиб кун кўрар, ўз халқидан, ўз юртидан, ўз қонидан чиққан Амир Темур Кўрагоннинг мустақиллик йўлидаги фидойиликларини қуллаш ўрнига, хўжайинлари — мўғулларга ўз халқини итоат қилдиришга уринар ва Амир Темур Кўрагон давлатини тан олишни истамас эди. Бундайлар фақат хоингина эмас, балки қўрқоқ ҳам бўладилар.

Учинчи томон шундаки, Амир Темур Кўрагон ҳар бир инсонда, ҳатто Юсуф суфидай хоин, хиёнаткор одамда ҳам худди мутасаввуфлардек яхшилик кўра билади. Ва ҳар бир шахс билан, жумладан бу ўринда Юсуф суфи билан муносабатда, ўша «яхши»ликка таяниб иш тутишни одат қилганлиги акс этади. Эътиборингизни Темурбек Кўрагоннинг юқорида келтирилган гапига яна бир бор тортамиз: «Ул ҳам (яъни Юсуф суфи) яхши уруғи турур», унинг уруғида (пуштида) яхшилиқ бор. Амир Темур Кўрагон кўпинча инсондаги ана шу «яхшилик уруғи»га ишонган ва шунга таяниб иш тутганлиги учун ҳам умумбашарий зотлар қаторидан ўрин эгаллашга мушарраф бўлган бўлсалар ажаб эмас.

ЎРДАБЕКЛИ.

«Бизким, мулки Турон...»

ТАНАМИЗ БИТТА, ОҒРИҚЛАРИМИЗ ҲАМ

Биз — Марказий Осиё халқлари бир дарахтнинг илдизларимиз. Томирларимиз битта. Шохига урсанг, туёғи зирқирайди, деган мақол бор. Бир танадаги яралар, яъни Орол фожиаси, саҳроларимизнинг сувга ташналиги, турли юқумли касалликларнинг кўпайиши, шу заминда яшайдиган халқларга бирдай дахлдордир. Орол фожиаси, Қарши чўли, Қозоғистон саҳролари, Қорақумнинг чексиз-чегарасиз ташна ерлари биргина ўзбек ёки қозоқ халқининг дарди эмас. Саҳролардан кўтарилган довул, қум, туз бу қозоқ экан, тожик ёки туркман экан деб қараб турмайди.

Низо билмай яшамоқ, минг йиллар давомида осойишта кун кечирмоқ учун аждодларимиздан ўрнак олмоғимиз лозим. Президентимиз ўртага ташлаган фикр барчани мулоҳаза юритишга, дунёқарашлардаги қусурларни бартараф этишга туртки бўляпти, десам хато қилмайман. Чунки, биз майда-чуйда гап-сўзлардан юқори тура олсаккина, бу фикрларнинг нақадар тўғри эканини идрок этамиз. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов бир вақтлар ўз асарларида туркий қавмларнинг асл келиб чиқиши ҳақида фикр юритиб, туркий халқлар Энасой (Енисей) дарёси бўйларида яшаганини таъкидлаган эди. Бир сўз билан айтганда, Туркистон ўлкасининг келиб чиқиши, авлод-аждоди битта, бу яна ҳам бирликда ҳаракат қилмоқни тақозо этади.

Орол дарди ҳам, саҳроларни ўзлаштириш ҳам сувга ташналикни қондириш ҳам фақат ўзбекнинг иши эмас, Туркистонда яшайдиган барча халқларнинг муаммоси. Бу муаммоларни ҳеч ким ташқаридан келиб ҳал қилиб бермайди. Жамоатчилик таъкидлаганидек, Энасой, Сибирь дарёларидан сув олиб, кўп муаммоларни ҳал этишда ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқ лозим. Чунки Орол йилига 100 миллион тонна туз, чанг тўзонни атрофга сочади. Бугунги кунга келиб 2 миллион гектар майдонни яроқсиз ҳолга келтирди. Бу фожиа эртага қирғиз ёки тожикнинг ерига бормаслигига ким кафолат беради? Аммо ҳал қилиб бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Бир мақсад йўлида бирлашишни ният қилган Турон — Туркистон юртининг заковатли кучларига ишонса бўлади.

Зукко билимдон Маҳмудхўжа Беҳбудий Октябрь тўнтаришининг оқибатларини кўра билгани, тушуниб етгани боис 1918 йил 26 январида битилган «Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат»да шундай ёзган эди: «Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, Туркистон қозоғи, қирғизи, ўзбеги, туркмани, татари — ҳамма туркий болалар ҳамда жаҳонгир Темурнинг авлоди ёки оға-иниларидир... Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун Мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олур. Албатта, у бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса бермаслар».

Адолатсизлик қурбони бўлган зукко аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий бугунги кунимизни башорат қилган каби туюлади. Болалар — юртнинг келажаги эканини кўзда тутиб, Туркистон болаларини бирлашишга чорлаганини, ҳақни ғайрат кўрсатиб, курашиб олинажагини таъкидлайди. Илло, эзгу мақсад йўлидаги ҳаракатларимиз амалга ошиб, улуғ алломалар, аждодларимизнинг орзулари рўёбга чиқиб, руҳлари шод бўлғусидир. Қолаверса, битта вужудимиздаги оғриқларимиз ҳам барҳам топармиди.

Бир заминда яшагандан кейин, унинг бағридаги жароҳат бутун танага азоб бермаслиги мумкин эмас. Бир сўз билан айтганда, бешовлон бирлашгандагина тепадагини эндиради. Бирлашгандагина бир танадаги оғриқларга малҳам қўяди. Бу нарса барча соҳада давом этмоғи лозим. Биз, мақсад ягона бўлишига эришмоғимиз зарур. Айниқса, ижодкорларнинг халқларимиз маънавий оламида ўз ўрни бўлиши керак. Зотан, бугунги кунда Чингиз Айтматов асарлари кирмаган хонадон йўқ. Соҳибқирон Амир Темурдан фахрланмаган бирон туркий инсонни топиб бўлмайди. Бу бирлашув барча соҳада давом этар экан, улуғ мамлакатдан яна қадимгидай улуғ инсонлар, оламни ҳайратлантирган даҳолар чиқишига аминмиз.

Шарофат АШУРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Учрашув онлари.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҲАМЁНИНГИЗ ҚАЕРДА?

Пойтахтнинг Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган дўконлардан бирида харидор аёлнинг ҳамёнини ёшгина йигитча ўмариб кетаётганини фуқаролар кўриб огоҳлантиришди. 325-болалар боғчаси тарбиячиси А. Д. дарҳол милиция ходимларини ёрдамга чақирди. Мирзо Улуғбек туман ИИБ қўриқлаш бўлими ходимлари Ўрозбоев, Ибодуллаев, Мирхўжаев, Пармоновлар ўша заҳоти киссавурни тутиб келтиришди. У 1977 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган қибрайлик А. Тўлқин экан. Ҳозир унинг ножўя қилмиши юзасидан суриштирув олиб борилмоқда.

ЭРКАКЧА КИЙИНИБ...

Тошкент шаҳрининг Қорасув даҳаси 42-уй олдида жиноят-қидирув бўлими тезкор вакиллари ими-жимида «қорадори» сотишни таклиф қилиб юрган аёлни учратиб вақтида қўлга олишди. Аниқланишича, у эркакча кийим кийиб юрган Чимкент вилоятининг Сайрам туманидан Ю. Фаридахон экан. Унинг ёнидан ўткир ҳидли 2,6 грамм «қорадори» топилди.

ЖАНЖАЛ САБАБИ АНИҚЛАНМОҚДА

Кеч соат 17 дан 30 дақиқа ўтганда, «Иброҳим» хусусий қаҳвахонасида жанжал кўтарилгани тўғрисида навбатчилик қисмига хабар келиб қолди. Тезкор гуруҳ бориб жанжал сабабларини аниқлашга киришди. Маълум бўлишича, «Иброҳим» қаҳвахонаси хизматчиси, 1951 йилда туғилган Х. Х. «Мадина» фирмаси директор ўринбосари, 1954 йилда туғилган Т.М. га тан жароҳати етказиб улгурган экан.

ТАКСИ ПУЛИНИ БЕРМАСДАН...

Номаълум шахс 2-автокорхонага қарашли таксилардан бирида деярли шаҳарнинг икки бор айланиб 1650 сўм тўлаши керак бўлган йўл ҳақини бермай, Сирғали туманидаги уйлардан бирига қочиб кириб яширинган. Такси ҳайдовчиси Яккасарой туман ИИБ навбатчилик қисмига келиб воқеани тушунтиргач, тезкор гуруҳ тузилиб фирибгар қўлга олинди. Маълум бўлишича, у 1960 йилда туғилган, П. Виталий экан. Дастлабки тергов натижаларига кўра, у муқаддам ҳам товламачилиги учун судланганлиги аниқланди.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Ҳамза тумани кўчаларидан бирида 1960 йилда туғилган М. Х. давлат корхоналарига қарашли КамАЗ русумли машинани бошқариб бораётиб йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилмаган ҳолда, симёғочга бориб уради. Фалокатни қарангки, йўлкада кетаётган 520-болалар боғчаси тарбияланувчиси, 1990 йилда туғилган К. Т. йиқилган симёғочнинг тагида қолди ва касалхонага етиб бормай оламдан кўз юмди.

ҚУРОЛЛАНГАН ЗЎРАВОН

Собир Раҳимов туман ИИБ 1-шаҳар милиция бўлими ходимлари жамоат тартибини бузиб юрган, маст ҳолдаги зўравонни ушлаб келтиришди. Унинг ёнидан эса қирқма милтиқ, 6 та жанговар ўқ-дориси олинди. Ҳозир тергов ишлари давом этмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао мамлакат эндиликда ўз ҳарбий самолётларига эга бўлишини таъкидлади. Кашф этилган янги самолёт миллий армияни янада мустаҳкамлайди, деди у журналистлар билан суҳбатда.

Ҳиндистон кейинги йилларда авиация технологияси соҳасини ривожлантириш борасида маълум ютуқларга эришди. Самолётлар эндиликда, Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларида мавжуд «Миг» русумидаги қирувчи билан алмаштирилади.

***

ЖАКАРТА. Кейинги йилларда фан-техника ва телекоммуникация соҳаларида Индонезия қўлга киритаётган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакат иккинчи сунъий ер йўлдошини ҳам фозога чиқариш бўсағасида турибди.

Индонезия ҳукуматининг баёнот беришича, «Палапа-С1» йўлдоши 31 январь куни Американинг Флорида штатидан учирилади. 1996 йилда мамлакат фазода ўзининг иккита телекоммуникацион йўлдошига эга бўлади.

***

ҚОҲИРА. Миср зиёратчилар келиб-кетиши борасида Осиё мамлакатлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ерга ташриф буюраётган сайёҳлар эндиликда ўзига хос қулайликка эга бўлдилар.

Мамлакатда германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда музей ва тарихий обидаларни зиёрат қилишда сайёҳларга қулай бўлиши учун радио телефон мосламалари жорий этилди. Бу борада ўтказилган дастлабки синов эса ҳамкорликни кенгайтиришга умид туғдирмоқда.

***

АЛМАТИ. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Исроилга расмий ташриф буюрди. Қозоғистон давлати раҳбари ташриф чоғида Исроил Бош вазири Шимон Перес ва мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади. Ўзаро музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги декларация, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт техникаси, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотни қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимлар имзоланиши режалаштирилган.

***

ТБИЛИСИ. Грузияда 26 декабрь куни мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Тенгиз Китовани устидан суд жараёни бошланди. Мудофаа муассасасининг собиқ раҳбари «ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этишда» айбланмоқда. Грузия жиноят кодексининг 238-моддасида бундай жиноят 10 йил озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши қайд этилган.

Тенгиз Китовани 1995 йил 13 январда ўз ташаббуси билан тузилган қуролли гуруҳлар ҳамроҳлигида Ғарбий Грузияга юриш қилаётган пайтида ҳибсга олинган эди.

***

МОСКВА. Жорий йил охирида Россиядаги расмий ишсизлар сони мамлакат аҳолисининг 3 фоизини ташкил этди. Мамлакат федерал бандлик хизмати маълумотларига қараганда, айни пайтда Россияда иш излаётган 2,6 миллион киши мавжуд. Йил бошидан буён мамлакатда ишсизлар сони 1,4 баробар ошган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЭЛ СИЙЛАГАН ЭШИКДА ЎТИРМАС

Шарҳловчи минбари

ёхуд декабрь ойидаги сайловлар натижалари ҳақида

Ўтаётган декабрь ойи дунё ҳамжамияти ҳаётида сиёсий воқеаларга бой бўлди, десак асло янглишмаймиз. Айни шу ойда жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида парламент ва президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

Аввалига Белорусда янги парламент учун депутатлар сайлови ўтказилди. Бироқ биринчи овоз беришда мўлжалдаги 174 нафар ноибни сайлаб бўлмади. 10 декабрда бу ерда иккинчи овоз беришдан кейингина парламент тўлиқ таркибида сайланди. Декабрнинг биринчи ўн кунлигида Қозоғистон Республикасида ҳам янги парламентга сайлов ўтказилди. Лекин бу ерда ҳам биринчи овоз беришда бўш қолган депутатлик ўринлари иккинчи уринишда тўлдирилди. Дарвоқе, Қозоғистон парламенти икки бўғиндан иборат, Қуйи палата Мажлис, юқори палата — Сенат дейилади.

Шу йилнинг 17 декабрида Россия Федерацияси Давлат Думасига ҳам сайловлар бўлиб ўтди. Энг йирик МДҲ давлати ҳисобланган бу мамлакатда сайловлар натижалари қуйидагича якунланди: партиялар ва сиёсий блоклар рўйхатида РФКП қарийб 22,31 фоиз, В. Жириновскийнинг РЛДПси 11,06, ҳозирги Бош вазир Черномирдиннинг «Россия — бизнинг уйимиз» сиёсий-жамоатчилик ҳаракати 9,8, «Яблоко» босиб ўтди. Бир мандатлик сайлов округларида ҳам РФКП кўпроқ овозга эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз: бир қатор демократик йўналишдаги партия ва блокларнинг беш фоизлик тўсиқдан ўта олмаганликлари Россиядаги барқарорликдан манфаатдор бўлган кучларни ташвишга солиб қўйди. Дарвоқе, Польшадаги сайловни кузатган Россиядаги жамотчилик фикрини ўрганиш таҳлилий марказлари аввалбошданоқ «полякча вариант» бу ерда ҳам юз беришини олдиндан айтиб бергандилар. Яъни, коммунистлар сайловда кўпроқ овоз олишларини сайловолди суровлари натижалари кўрсатаётганлиги қайд этилганди. Коммунистлар ғалабасига келсак, айрим жамиятшунос ва сиёсатшунослар фикрига кўра, Россия матбуоти «коммунистик хавф» тўғрисида айюҳаннос солиб, образли қилиб айтганда, «подадан олдин чанг чиқариб», бутун ёшлиги совет тузуми даврига тўғри келган кекса авлод вакилларини ўзлари билмаган ҳолда ўтмишни қайтариш истагида овоз беришга ундаб қўйганлар. Бу РФКПга қўшимча «очко» келтирган. Айни пайтда у ёки бу мартабага эришишни шахсий мақсад қилиб қўйган баъзи демократларнинг ўз ниятларини умумдемократия манфаатларидан да устун қўйиши уларнинг забун бўлишига олиб келган.

Албатта, Россияни бозор иқтисодиёти ва демократияга асосланган жамият қуриш бобидаги бугунги йўлидан яна айримлар истаганидек орқага, эски тузумга қайтаришнинг иложи йўқ. Оққан дарё оқаверади. Шу боис бу ердаги янги парламент вакиллари қандай таркибда бўлишидан қатъи назар, ўйлаймизки, бу ҳаётий ҳақиқатни англаган ҳолда иш олиб боради.

Энди ён қўшнимиз Қирғизистонда бўлиб ўтган Президент сайлови ҳақида сўз юритсак, юқоридаги бозор иқтисодиёти ва демократияга асосланган жамият тўғрисидаги гап бежиз айтилмади. Қардош қирғиз халқи ҳам бугунги шароитда орқага қайтишдан кўра белгиланган ойдин йўлдан дадил давом этиш лозимлигини тушуниб, ҳозирги давлат бошлиги — иккинчи муддатга ўз номзодини қўйган Асқар Акаевни ёқлаб овоз берди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг хабар беришича, сайловда республикадаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 86 фоизи иштирок этган. Дастлабки маълумотларга қараганда, Асқар Акаев сайловда қарийб 75 фоиз овоз олиб, президентлик ваколатини яна беш йил сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Декабрь—Туркиядаги партиялар учун ҳам ўзига хос синов ойи бўлди. 24 декабрда бу ердаги парламентга бўлиб ўтган сайловда ислом ақидаларига асосланган Фаровонлик партияси бошқа партияларга нисбатан кўп овоз олди. У янги парламентда 159 ўринни эгаллайдиган бўлди. Тўғри йўл ҳамда Ватан партиялари қарийб 20 фоиздан овоз тўпладилар. Туркияда бошқа далатлардан фарқли ўлароқ сиёсий партиялар учун ўн фоизлик тўсиқ белгиланган. Бу тўсиқни юқоридаги саналган партиялардан ташқари яна икки партия босиб ўта олди, холос. Мамлакатнинг ҳозирги Бош вазири, Тўғри йўл партияси раҳбари Тансу Чиллер хоним ўз партияси сайлов мутлақ кўп овоз ололмагандан кейин бутун ҳукумат таркиби билан истеъфога чиқди.

Жаҳон ахборот воситалари хабарларига қараганда, Мустафо Камол ота Турк давридан буён ислом ақидалари йўналишидаги партиялар шу даврга қадар сайловда деярли кўпчилик овоз олишолмаган. Ғарбпараст, яъни кўпроқ ривожланган Европа йўлидан бориб, ислоҳотларни амалга ошираётган Тансу Чиллер хоним афтидан бу йўналишни маъқуллаган Ватан партияси раҳбари Месут Йилмаз билан биргаликда янги парламентда коалицион блок тузиш ниятида. Лекин Фаровонлик партияси ҳам сиёсий курашда чамаси бўш келгиси йўқ. У яккаланиб қолган бўлсада, лекин барибир парламентда кўпчилик овоз тўплаган.

Халқимиз «Эл сийлаган эшикда ўтирмас» дейди. Демоқчиманки, сайловлар ўз йўлига-ку, лекин ишқилиб ҳар бир мамлакатда ижтимоий сиёсий барқарорлик булгани яхши-да. Чунки у ёки бу давлатдаги ҳар қандай ўзгариш энг аввало ўша юрт халқининг миллий бирлигига, тинч ва осуда ҳаётига таъсир этмасдан қолмайди. Шундай экан, янги — 1996 йил дунёнинг ҳар бир мамлакати учун барқарорлик ва юксалиш йили бўлсин, деб тилак билдириб қоламиз.

Аслиддин ОРТИҚБОЙ ўғли.

ДУНЁ ОКЕАНЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси «Тижорат» бўлимининг мудири С. Бобоқуловга онаси

Азизбиби РЎЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбалиқ» давлат-акционерлик корпорацияси раҳбарияти ва ходимлари корпорация бошқаруви аъзоси, Давлат балиқ чавақчалари етиштириш корхонаси раҳбари Ўткир Қаюмович Шукуровга укаси

Дилмурод ШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Бозор хўжалик ҳуқуқи» кафедраси доценти Муҳиддин Саидазимович Саидаҳмедовга отаси

Саидазиз САИДАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсувзовурқурилиш» трести жамоаси режа ва иқтисод бўлими бошлиги ўринбосари Фарида Йўлдошевага отаси

Йўлдош ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАР ДОИМ



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

"Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД" қўшма корхонаси

республикамизнинг барча ишчи-меҳнаткашларини, зиёлиларини ва ўзбек халқини яқинлашиб келаётган Янги — 1996 йил билан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик ҳамда фаровонлик тилайди.

Янги йилда ҳар бир оила хонадонидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонидан файзу-барака аримасин.

"Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД" қўшма корхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.